ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ РЕЛИГИИ И РЕЛИГИОЗНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ОЗДОРОВЛЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНОЙ СРЕДЫ

THE ROLE OF RELIGION AND RELIGIOUS ORGANIZATIONS IN PROMOTING A HEALTHY SOCIO-SPIRITUAL ENVIRONMENT

HASANBOYEV Utkirbek Melibaevich,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
PhD in history, Associate Professor of the UNESCO Chair on religious studies and the comparative study of world religions
11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2026/3/5

Аннотация. *Ушбу мақолада дин ва диний ташкилотларнинг жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотни амалга оширишда академик ёндашувга таянган ҳолда институционал ва функционал таҳлил, қиёсий ва тизимли таҳлил, манбашунослик ва контент-таҳлил, контекстуал таҳлил, индукция ва синтез каби усуллардан фойдаланилган.*

Мақолада муқаддас манбалар ҳамда Папа Франциск, Шайх Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий каби диний арбобларнинг эътирофлари асосида динни жамият фаровонлигига хизмат қилувчи илоҳий мазмуни ёритиб берилган. Диннинг кишилик жамияти тараққиётида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, инсон дунёқараши ва маънавий камолотини шакллантириш, аҳоли ўртасида бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва эзгулик каби умуминсоний қадриятларни қарор топтиришдаги аҳамияти очиб берилган.

Радикал оқимлар томонидан бузиб талқин этилаётган "такфир", "ҳижрат" "жиҳод", "дорул-ислом", "дорул-куфр" каби диний-сиёсий концептларнинг асл моҳияти илмий-диний асосда ёритиб берилган. Шунингдек, диннинг регуляторлик, интегратив, коммуникатив, идентификациялаш, мотивациялаш ва легитимловчи функцияларининг ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларни юксак маънавият ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги ўрни ёритилган. Ислом ташкилотлари ҳуқуқий мақоми, мақсадлари, тузилмаси, ваколат даражаси фаолияти нуқтаи-назаридан таснифланган.

Мақолада диний ташкилотларнинг қонунчилик асосидаги фаолияти, уларнинг маънавий-маърифий ишлар, хайрия тадбирлари ва ижтимоий ҳамкорлик орқали жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга қўшаётган ҳиссаси илмий-назарий ёндашувлар асосида баҳоланган. Радикаллашув ва экстремизмга қарши ахборот-мафкуравий курашда диний ташкилотларнинг бугунги кундаги ўрни ва аҳамияти, ушбу фаолиятларининг долзарб йўналишлари маҳаллий воқелик ва илғор халқаро тажриба асосида таҳлил қилинган ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари дин ва диний ташкилотларнинг жамиятда ижтимоий тараққиёт, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашда, ижтимоий-диний вазият соғломлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: *дин, диний ташкилотлар, ижтимоий-маънавий муҳит, радикаллашув, маънавият, ижтимоий муносабатлар, бағрикенглик, қадриятлар, ижтимоий барқарорлик, тарбия, дунёқараш, фуқаролик жамияти.*

Аннотация. *В данной статье с научной точки зрения проанализированы роль и значение религии и религиозных организаций в оздоровлении социально-духовной атмосферы в обществе. При проведении исследования, опираясь на академический подход, были использованы такие методы, как институциональный, функциональный, сравнительный и системный анализ, источниковедение, контент-анализ, контекстуальный анализ, индукция и синтез.*

На основе священных источников, а также высказываний таких религиозных деятелей, как Папа Франциск и Шейх Мухаммад Саид Рамадан аль-Бути, раскрыта сакральная суть религии, служащая благополучию общества. Раскрыто значение религии в развитии человеческого общества: в регулировании социальных отношений, формировании мировоззрения и духовного совершенствования человека, а также в утверждении среди населения таких общечеловеческих ценностей, как толерантность, сплоченность, взаимное уважение и доброта.

На научно-религиозной основе раскрыта подлинная суть таких религиозно-политических концептов, как «такфир», «хиджра», «джихад», «дар аль-ислам» и «дар аль-куфр», искажаемых радикальными течениями. Кроме того, освещена роль регулятивной, интегративной, коммуникативной, идентификационной, мотивационной и легитимирующей функций религии в обеспечении социальной стабильности, укреплении гражданского общества и воспитании молодежи в духе высокой духовности и национальных ценностей.

Проведена классификация исламских организаций с точки зрения их правового статуса, целей, структуры, уровня полномочий и деятельности. На основе научно-теоретических подходов оценена деятельность религиозных организаций в рамках законодательства, их вклад в утверждение здоровой духовной среды в обществе через духовно-просветительскую работу, благотворительные мероприятия и социальное партнерство.

На основе местных реалий и передового международного опыта проанализированы современное положение и значение религиозных организаций в информационно-идеологической борьбе против радикализации и экстремизма, приоритетные направления этой деятельности, а также разработаны практические рекомендации.

Результаты исследования показывают, что религия и религиозные организации являются одним из важнейших факторов в укреплении принципов социального прогресса, стабильности и гуманизма в обществе, а также в обеспечении здоровой социально-религиозной обстановки.

Ключевые слова: *религия, религиозные организации, социально-духовная атмосфера, радикализация, духовность, социальные отношения, толерантность, ценности, социальная стабильность, воспитание, мировоззрение, гражданское общество.*

Abstract. *This article provides a scholarly analysis of the role and significance of religion and religious organizations in fostering a sound socio-spiritual environment in the society. The study has an academic approach based on institutional and functional analysis, comparative and systemic analysis, source criticism and content analysis, contextual analysis, as well as inductive and synthetic methods.*

The article elucidates the divine essence of religion as a force serving the well-being of society, drawing upon sacred sources and the views of religious figures such as Pope Francis and Shaykh Muhammad Sa'id Ramaḍan al-Buṭi. It highlights the importance of religion in regulating social relations, shaping human worldview and spiritual development, and promoting universal values such as tolerance, solidarity, mutual respect, and benevolence within society.

The study also provides a scholarly and theological interpretation of the authentic meanings of religious-political concepts such as takfir, hijrah, jihad, Dar al-Islam, and Dar al-Kufr, which are frequently distorted by radical movements. Furthermore, it examines the regulatory, integrative, communicative, identificational, motivational, and legitimizing functions of religion and their contribution to ensuring social stability, strengthening civil society, and educating the younger generation in the spirit of high moral values and national traditions. Islamic organizations are classified according to their legal status, objectives, organizational structure, scope of authority, and functional activities.

The article also evaluates, from theoretical and academic perspectives, the contribution of religious organizations operating within the framework of national legislation to the establishment of a healthy socio-spiritual environment through spiritual and educational activities, charitable initiatives, and social cooperation. In addition, the study analyzes the contemporary role and significance of religious organizations in countering radicalization and extremism through information and ideological engagement. Based on local realities and international experience, it identifies current priorities in this field and proposes practical recommendations.

The findings demonstrate that religion and religious organizations constitute one of the key factors in promoting social development, stability, and humanitarian values, while contributing significantly to the maintenance of a healthy socio-religious environment.

Keywords: *religion, religious organizations, socio-spiritual environment, radicalization, spirituality, social relations, tolerance, values, social stability, education, worldview, civil society.*

КИРИШ

Кишилик жамиятида дин доимо ижтимоий муносабатларда муҳим аҳамият касб этиб келган. Бу омилнинг жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маданий, оилавий ва бошқа соҳаларига чуқур таъсир кўрсатишининг асосий сабабларидан бири – унинг инсонларга нафақат илоҳий, балки маънавий-маърифий озуқа бериш билан бирга, жамиятда қатор вазифаларни бажаришида ҳам намоён бўлади.

Диннинг киши дунёқарашини шакллантириш, регуляторлик, интегратив ва дезинтегратив, коммуникатив ва декоммуникатив, легетимловчи ва делегетимловчи, идентификациялаш ва мотивациялаш функциялари жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда, шунингдек, қадриятларни шакллантириш ва инсонлараро муносабатларни тартибга солишда ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида муҳим рол ўйнайди (Ҳасанбаев Ў., 2020: 144-145).

Ҳозирги кунда дунёдаги турли дин ва конфессияларнинг таълимотидаги ижтимоий ҳаётга тааллуқли кўрсатмалар диний ташкилот, уюшма ва ҳаракатларнинг фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Диний таълимотлар жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан бирлаштирувчи ва тараққиётга етакловчи прогрессив куч бўлиши билан бир қаторда, улардан сиёсий ва ғаразли мақсадларда фойдаланиш жамиятда ижтимоий парчаланиш, минтақавий беқарорлик ва глобал даражада трансмиллий деструктив таҳдидларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур мақола диний манбалар ҳамда таниқли олим ва диний арбобларнинг қарашларида акс этган диннинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид қарашларини таҳлил қилиш, шунингдек, бугунги кунда фаолият юритаётган диний ташкилотларнинг ижтимоий муҳитни соғломлаштиришдаги ўрни ва ушбу йўналишдаги фаолиятининг асосий тамойиллари ҳамда устувор йўналишларини аниқлашга бағишланган.

Шунингдек, тадқиқотда радикаллашув ва экстремизм ғоялари тарғиботи асосан «виртуал

макон»га кўчган ҳозирги даврда диний ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган радикаллашув профилактикаси ва дерадикализация ишларининг миллий ва хорижий тажриба асосида долзарб йўналишларини белгилаш ҳамда тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси назарда тутилган.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотни амалга оширишда ижтимоий-диний жараёнлар ва диний ташкилотларнинг институционал-функционал фаолиятини комплекс ўрганишда академик ёндашувга таянган ҳолда тегишли илмий ва таҳлилий усуллардан фойдаланилган.

Жумладан, институционал ва функционал таҳлил асосида ижтимоий-диний соҳада фаолият юритаётган ташкилотларнинг ўрни жамиятдаги мустақил ижтимоий институт сифатида баҳоланган.

Қиёсий ва тизимли таҳлил усули қўлланилиб, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва Европа мамлакатларида фаолият юритаётган диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, давлат ва дин муносабатлари моделлари ҳамда турли давлатлар ва таҳлил марказларининг радикаллашувга қарши кураш тажрибаси ўрганилган.

Манбашунослик ва контент-таҳлил усуллари орқали дунё динларининг муқаддас манбалари ва доктринал ҳужжатларида, шунингдек, таниқли диний арбобларнинг баёнотларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга оид маълумотлар акс этган матнлар тадқиқ қилинган.

Дин ниқобидаги экстремистик оқимлар томонидан бузиб талқин этиладиган “такфир”, “ҳижрат” “жиҳод”, “дорул-ислом”, “дорул-куфр” каби диний-сиёсий концептлар контекстуал таҳлил усули воситасида анъанавий ҳанафийлик ва мўътадил диний таълимотлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Синтез ва индукция усулари асосида тадқиқот давомида олинган натижалар умумлаштирилиб, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш соҳасида диний омил ва диний ташкилотларнинг ўрни ҳамда аҳамияти баҳоланган. Замонавий шароитлардан келиб чиққан ҳолда диний ташкилотларнг ушбу йўналишдаги фаолиятнинг асосий устувор йўналишлари аниқланди ҳамда тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

НАТИЖА

Эмиль Дюркгейм томонидан 1912 йили француз тилида нашр этилган “Les Formes élémentaires de la vie religieuse” (Диний ҳаётнинг ибтидоий шакллари) номли асарида динга қуйидагича функционал таъриф берилган: “Дин – муқаддас, яъни ажратилган ва тақиқланган нарсаларга оид эътиқод ва амалларнинг яхлит тизимидир. Ушбу эътиқод ва амаллар уларга содиқ бўлган барча кишиларни ягона диний жамоага бирлаштиради”. Яъни, олим дин илоҳиёт билан боғлиқ бўлиш билан бир қаторда жамоавий мазмунга эга эканлигини таъкидлаган (https://www.politika.io/fr/article/lecture-formes-elementaires-vie-religieuse-demile-durkheim.Bruno Karsenti:20).

Макс Вебер “Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи” асарида динни фақат ибодат доираси билан чекланмайдиган, балки инсоннинг меҳнатга муносабати ва иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатувчи омил сифатида талқин қилади (https://chisineu.wordpress.com/wp-content/uploads/2012/09/biblioteca_protestanskaya_etiketa_weber.pdf. Вебер:84). Унинг фикрича, дин бу дунёдаги мавжуд тартибсизликлар ва адолатсизликларни маълум бир илоҳий мақсад ёки ахлоқий зарурат сифатида изоҳлаб берувчи маънолар мажмуи ҳисобланади.

Турли диний конфессия вакиллари динни нафақат ижтимоий институт, балки инсон ва жамият ҳаётининг мазмунини белгиловчи илоҳий кўрсатма сифатида талқин қилади. Жумладан, Рим католик черкови раҳбари Папа Франциск дин ва диний уламоларнинг замонавий жамиятдаги функцияси ҳақида сўзлаб, “Биз, диний етакчилар, фуқаролик жамиятида масъулият юкланган шахсларни адолат ва тинчликка асосланган маданиятни юксалтириш йўлида меҳнат қилишга, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий ҳаракатларни илгари суришга чорлашга масъулмиз” деган эди. Унинг фикрига кўра, дин уруш ёвузлигини оқлаш учун хизмат қилмаслиги керак, Худо эса инсоннинг ҳокимиятга бўлган ҳирсининг “гарови”га айланиб қолмаслиги лозим (www.vaticannews.va).

Ислом оламининг машҳур олими, Шайх Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий (1929-2013) ўзининг “Ла яътиҳи ал-ботилу” (Унга ботил яқинлаша олмас) китобида келтирган фикрига кўра, диннинг ижтимоий вазифаси — одамларни бир-бирига қарши қўйиш эмас, балки уларни ягона ахлоқ ва ўзаро масъулият атрофида бирлаштиришдир. Ҳар қандай диний ниқоб остидаги тартибсизлик (фитна) — диннинг асл моҳиятига хилофдир.

Олим динни сиёсий мақсадлар йўлида талқин қилиш жамиятда қандай фитналарни (тартибсизликларни) келтириб чиқаришини илмий асослаб берган. “Ал-жиҳод фил Ислом: кайфа нафҳамуҳу ва кайфа нумарисуҳу?” (Исломда жиҳод: уни қандай тушунамиз ва қандай амалга оширамиз?)

асарида Рамазон Бутий “ислом йўқотилган адолатни излаш ёки бирор оғишини тузатиш ниқоби остида давлатлар барқарорлигига путур етказиш ва уларда тартибсизлик келтириб чиқариш учун келган эмас”лигини қайд этган. Инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва жамиятдаги ижтимоий тартибни сақлаш ислом шариатининг энг олий мақсадларидан бири экани эътироф этилган. Фитна, қон тўкиш ва жамият асосларини вайрон қилиш орқали эришиладиган ҳар қандай “адолат” даъвосининг динга алоқаси йўқ экани таъкидланган. Ҳукмдорга қарши чиқиш натижасида келадиган фитна ва тартибсизликларнинг зарари, доимио ҳукмдорнинг адолатсизлиги ва зулмидан келадиган зарардан анча оғирроқ ва хатарлироқ экани кўрсатилган (Шайх Мухаммадсаид Рамазон Бутий, 1993:155).

Дунё динларида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш муҳим мавзулардан бири ҳисобланади. Давлат қонунлари фуқаровий тартибни таъминласа, диний таълимотлар инсоннинг ички дунёсини тартибга солиш орқали жамиятда барқарор маънавий-маърифий муҳит яратишга хизмат қилади. Ислом таълимотида жамият барқарорлиги “Мақосид аш-Шариа” (Шариатнинг олий мақсадлари) орқали таъминланиши эътироф этилади. Давлат ва жамиятнинг бош вазифалари сифатида бешта асосий қадрият: дин, жон, ақл, насл ва молни ҳимоя қилиш қайд этилади.

Насронийликдаги муқаддас матнлар ва етакчи руҳоний олимларнинг асарларида ижтимоий барқарорлик ва жамият аъзолари ўртасидаги тотувлик масалалари кенг ўрин топган. Масалан, Инжилда жамият барқарорлигининг асоси сифатида беозорлик, адоватдан тийилиш ва кечиримлилик кўрсатилган. “Яқинингни ўзинг каби сев” деган тамойил инсонийликнинг асосий фазилати сифатида илгари сурилади (Матто Инжили,12:31). “Римликларга йўлланган мактуб”нинг 13-бобида “Ҳар бир инсон ўзининг устидан ҳукмрон бўлган ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд бўлган ҳар бир ҳокимиятни эса Худо тайин этган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилик кўрсатган одам Худо ўрнатган тартибга қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўзларини ўзлари ҳукмга дучор қиладилар”, дейилган.

Рус Православ Черкови томонидан 2000 йилда қабул қилинган “Насронийликнинг ижтимоий концепцияси асослари” номли ҳужжатда черков уруш ва зўравонликни тарғиб этиш, қон тўкилишига олиб келувчи ҳар қандай нафратга қарши эканлиги эълон қилинган. Шунингдек, халқлар, этник гуруҳлар, ҳукумат ва сиёсий кучлар ўртасидаги можароларни тинч йўл билан ҳал этишда иштирок этиш ва ўзаро муросани қўллаб-қувватлаши таъкидланган (Логова А.В., Житенев Т.Е., 2024:28).

МУҲОКАМА

Бугунги кунда дунё мамлакатларида турли диний конфессияларга мансуб диний жамоалар турфа хил ҳуқуқий мақомларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Умумий маънода диний ташкилотлар сифатида фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузган кўнгилли бирлашмалари, жумладан, диний жамиятлар, марказлар, уюшмалар, масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар, монастирлар ва бошқалар тушунилади.

Масалан, ислом ташкилотлари муайян мамлакатда ҳуқуқий жиҳатдан ислом ташкилотлари давлат органлари томонидан бевосита бошқарилиши ёки нодавлат ташкилот шаклида бўлиши мумкин. Хусусан, Саудия Арабистонида Ислом, даъват ва иршод ишлари вазирлиги, Бирлашган Араб Амирликларида Ислом ишлари ва вақфлар бўйича бош бошқарма, Кувайтда Вақф ва ислом ишлари вазирлиги, Туркияда Диёнат ишлари бошқармаси, Мисрда Вақф вазирлиги қатор йўналишлардаги ислом ташкилотларининг фаолиятини давлат органи сифатида бошқариб келмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибига кирувчи мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё республикаларида ислом ташкилотлари диний ташкилот сифатида расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритади.

Европа мамлакатларида ислом ташкилотларининг бир қисми давлат томонидан тан олинган бўлса, бошқа қисми муайян чекловлар асосида фаолият юритади. Масалан, биринчи тоифага “Буюк Британия ва Ирландия мусулмонлари иттифоқи” (Буюк Британия), “Германия ислом кенгаши” (Германия), “Франция ислом ташкилотлари иттифоқи” (Франция), Испания ислом уюшмалари иттифоқи (Испания), Италия ислом уюшмалари ва ташкилотлари иттифоқи (Италия), Мусулмонлар диний иттифоқи (Польша) киритиш мумкин. Айни вақтда Германияда ислом ташкилотлари “тан олинган диний уюшма” мақомига эга эмас. Чехия Республикаси мусулмон жамоатлари иттифоқи ислом таълим муассасалари очиш ҳуқуқига эга эмас (Бородай С., 2013:56).

Ислом ташкилотлари мақсадлари, тузилмаси, ваколат даражаси фаолияти соҳаси ва шаклига кўра ўзаро фарқ қиладилар. Шу сабабли ислом ташкилотларини турли мезонлар асосида таснифлаш

мумкин. Ҳудудий қамров жиҳатидан ислом ташкилотлари халқаро давлатлараро (масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти), халқаро нодавлат (Бутунжаҳон ислом лигаси), минтақавий (Европа ислом кенгаши), марказий (муфтиятлар) ёки маҳаллий (масжидлар) шаклларида бўлиши мумкин. Фаолият мазмунига кўра эса ислом ташкилотларини диний-сиёсий (ИҲТ, Ислом олами уюшмаси, ислом йўналишидаги сиёсий партия ва ҳаракатлар), хайрия ва ёрдам (Бутунжаҳон ислом ёрдам ташкилоти, миллий вақф фондлари), таълим ва тадқиқот (ислом университетлари, мадрасалар, ислом илмий-тадқиқот марказлари), молия (Ислом тараққиёт банки), маданият (ислом маданият марказлари) ва бошқа тоифаларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, ислом ташкилотларини конфессионал аломатлари (суннийлик, шиалик, умумислом), мафкурасининг мазмуни (анъанавий, либерал (модернистик), фундаменталистик, жиҳодий), ҳуқуқий мақоми (расмий, таъқиқланган) кўра ҳам тоифалаш мумкин.

Дин ва диний ташкилотлар ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда инсонларнинг ахлоқий-маърифий савиясини ошириш, жамиятда тинчлик-тотувликни қарор топтириш, хайрия ишларини амалга ошириш ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш орқали муҳим ўрин тутади. Улар жамиятдаги турли муаммоларнинг ечимини топишда ҳам фаол қатнашади. Бу эса ижтимоий барқарорликка ва аҳолининг фаровонлигига хизмат қилади.

Диний ташкилотлар жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор ривожланишини таъминлаш йўналишидаги фаолиятида фақат ўз диний таълимоти ва мафкурасидан келиб чиқа олмайди. Вазиятга ижобий таъсир кўрсатиш мазкур жамият учун ташқи ва ички мазмунга эга қатор омилларни ҳисобга олиши лозим. Чунки, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги давлат, фуқаролик жамияти ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро масъулиятга асосланган фаолият натижасида таъминланади.

Биринчи навбатда мазкур омиллар мамлакатдаги ҳуқуқий майдон ва сиёсий жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобланади. Диний ташкилотларнинг фаолияти давлатнинг конституциявий нормаларига зид келмаслиги лозим. Шунингдек, ҳар бир жамият учун ўзига хос бўлган ижтимоий-демографик ва маданий контекст, миллий менталитет ва анъаналар, шунингдек, ёшларнинг қизиқишлари, дунёқараши ва эҳтиёжларини эътиборга катта аҳамият касб этади.

Айни вақтда, бугунги кунда рақамли муҳитнинг таъсирини эътиборга олмасдан туриб, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда аҳоли, айниқса, ёшларни диний асосда радикаллаштиришга, экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилишга қаратилган тарғибот-ёллаш ишлари виртуал маконда амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи-назардан, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган фаолиятда диний ташкилотларнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидаги ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий мезонларни кўрсатиш мумкин; дунёвий давлатларда давлат ва дин институционал-функционал ажратилганлиги; диний бағрикенглик; жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш; диний таълим беришда мутаассиблик ва ғулувга йўл қўймаслик; ижтимоий шериклик; диний, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги; замонавийлик билан мослашув; сиёсатга аралашмаслик; натижавийлик.

Жумладан, дунёвий давлатларда давлат ва дин институционал-функционал ажратилганлиги тамойили давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳуқуқий мақомлардаги фарқларга урғу беришни эмас, балки уларнинг ўз ваколатлари доирасидаги масъулият чегараларида фаолият юриши умумий самарадорликка хизмат қилишини англатади. Давлат жамоат тартибини сақлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишда қонунчиликка асосланади ҳамда ҳуқуқий жазо бериш ёки мажбурий чекловлар ўрнатиш каби зарур ҳолда куч ишлатиш тузилмалардан фойдаланиш ваколатига эга.

Ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда диний ташкилотлар эса фақат ихтиёрийлик асосида ишлайди. Уларнинг фаолияти фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига дахл этмаслиги, муайян диний қарашни мажбуран сингдирмаслиги лозим. Ушбу фаолият маънавий-ахлоқий тарбия, мили-диний ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, руҳий қўллаб-қувватлаш ва хайрия ишларига асосланади. Шунингдек, илгари сурилаётган диний-маърифий ва маънавий қадриятлар жамиятнинг дунёвий қонунлари ва демократик меъёрларига зид келмаслиги керак.

Диний бағрикенглик фаолияти ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойиллари кўп конфессияли дунёвий давлатда алоҳида аҳамият касб этади. Диний ташкилотлар жамиятда барқарорликни таъминлашга қаратилган фаолиятида мамлакатдаги мавжуд барча диний конфессияларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари, диний асосда камситиш ёки адоватга йўл қўймаслиги лозим. Диний-маърифий тарғибот ишларида ўз динини “бошқа динлардан устун”, “энг мумтоз” экани каби

ёндашувларни очиқ намойиш қилишдан воз кечиш муҳим.

Таъкидлаш жоизки, радикал қарашларга эга шахслар турли дин вакиллари орасида учрайди. Экстремизм ғояларига эргашган шахслар нафақат ўзга дин вакиллари, балки ўзига эргашмаган диндошларига ҳам муросасиз муносабатда бўладилар. Масалан, "Ал-Қоида" ва унинг асосида шаклланган террорчилик ташкилотлари содир этган жиноий фаолиятнинг қурбонларининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этади (Ҳасанбаев Ў., 2014:288). Шу сабабли, ёшларга дин ниқоби остидаги экстремистик ғояларни соғлом фикрдан ажрата олиш ҳислатларини шакллантиришда альтернатив, илмий далилларга асосланган маълумотларни тақдим этиш, диний таълимотлар ва дунёвий билимларнинг ижобий ва инсонпарвар мазмун-моҳиятини кенг ёритиб бериш самарали усуллардан ҳисобланади.

Мазкур жараёнда диний-маърифий қадриятларни замонавий фан, технология ва демократик жамият тараққиётига зид бўлмаган ҳолда талқин қилишга урғу бериш лозим. Чунки, аксарият ҳолатларда диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарғиб қилувчи гуруҳлар исломни замонавий фан тараққиётива ижтимоий муносабатлар, шу жумладан демократияга зид эканини даъво қиладилар.

Дунёвий давлатда диний таълим тизимида радикализм ва ғулувга йўл қўймаслик жамият барқарорлигининг таъминлашда хавфсизлик ва соғлом диний-маънавий муҳитни сақлаш нуқтаи-назарларидан муҳим омил саналади. Таъкидлаш жоизки, бу ерда гап муайян дин, масалан ислом таълимотини фундаментал асосларини дунёвий қонунларга "бўйсиндириб" талқин этиш ҳақида эмас, балки барча динларда мутаассиблик қораланиши ва "ўрталик", "мўътадиллик" тарғиб қилиниши ҳақида бормоқда. Ҳар қандай жамиятда динга турли муносабатда бўлган шахслар биргаликда истиқомат қилади. Диний таълимда ҳаддан ошишлик бошқаларга, айниқса, дунёвий турмуш тарзи кечирадиган фуқароларга нисбатан салбий муносабат ва муросасизликни кучайтириб, диний асосдаги адоватнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг барчаси, хусусан диндор қатлам ҳам жамиятда қабул қилинган қонунларга ўз ихтиёри билан риоя этишлари лозим. Мутаассиблик руҳида тарбия олиш эса диндор шахслар томонилан дунёвий қонунларга бўйсинишни дин талабаларини бузиш сифатида қабул қилишларига олиб келади.

Масаланинг яна муҳим жиҳати шундан иборатки, тажриба диний мутаассиб шахслар айрим илм-фан ютуқларини бидъат сифатида баҳолаб, изчил тараққиётга ғов бўлувчи куч сифатида намон бўлаётганликлрини кўрсатмоқда. Ёшлар, шу жумладан қизларнинг замонавий билимлардан маҳрум бўлиши давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва технологик жиҳатдан заифлашувига сабаб бўлади.

Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда ижтимоий шериклик диний ташкилотларга давлатнинг ташқи ва ички сиёсати манфаатларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳамда, диннинг сиёсийлаштирмаган ҳолда диний-маърифий қадриятлардан жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда фойдаланиш имконини беради. Диний ташкилотларнинг мазкур йўналишдаги давлат ва фуқаролик институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг асосий йўналишлари сифатида фуқароларга диний аҳкомларни радикал кучлар томонидан бузиб талқин этилаётганини тушунтиришга қаратилган ахборот-тарғибот ишлари, дерадикализация ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек, меҳр-оқибат, ҳалоллик ва масъулият каби умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, жиноятчилик ва оилавий ажримлар каби ижтимоий иллатларга қарши тарбиявий ишларни олиб бориш кабиларни қайд этиш мумкин.

ТАҲЛИЛ

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги жамиятдаги барча прогрессив руҳдаги соғлом кучларнинг биргаликдаги саъйи-ҳаракати ҳамда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий, тарихий-маданий қадриятлар тизими асосида таъминланади. Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча бўлиб, миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади (Фармонова М., 2019:5). Ўз навбатида, умуминсоний қадриятлар цивилизацион, диний мансублик ва тарихий даврдан қатъий назар кўпчилик инсонлар томонидан эътироф этиладиган асосий маънавий ва ахлоқий мезонлар сифатида эътироф этилади. Улар қаторига инсонпарварлик, ҳаёт, эркинлик, ҳурфикрлилик, адолат, муҳаббат, ҳурмат, ҳалоллик ва тинчлик каби тушунчалар кириб, жамиятни бирлаштириш ва барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Диний ташкилотлар ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда конфессионал мансублигигига хос қадриятлар билан бир қаторда миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш

орқали жамиятнинг кенг қатламларини қамраб олади ҳамда уларнинг қўллаб-қувватлашларига эришади. Аксинча, диний ташкилотлар томонидан жамовий чиқишларда диний қарашлар доираси билан чеклаиб қолишлик аҳолининг диндор бўлмаган қатламлари, айниқса зиёли қатламларда ҳушёрлик ва масофаланиш шаклланишига сабаб бўлади. Диний, миллий ва умуминсоний қадриятларни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик, аксинча уйғунлкда тарғиб этиш жамиятда ҳақиқий соғлом маънавий муҳит қарор топишига, ихтилофлардан сақланишга ва фуқароларнинг маънавий иммунитетини кучайтиришга хизмат қилади.

Ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний ташкилотлар учун жамиятнинг энг фаол қисми бўлган ёшлар билан алоқани мустаҳкам сақлаш катта аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида замон билан ҳамнафас бўлиш, янгича ижтимоий-сиёсий ва медиа-технологик воқеликка мослашишни талаб қилади. Жумладан, ислом таълимотидаги фундаментал йўналишлардаги тадқиқотлар ва асрлар оша ишлатилиб келинган илмий-диний (аксарияти араб тилидан кириб келган) терминологияни тарихий аҳамиятларини инкор этмаган ҳолда, бугунги кунда ёшларга диний истилоҳларни халқчил шаклда тушунтириш эҳтиёжи мавжуд. Айрим мутаассиб диний ғоялар тарғиботчилари мураккаб диний тушунчаларни бугунги кунда ёшлар учун аҳамиятли бўлган ижтимоий муаммоларга боғлаган ҳолда ва содда тушунтириш ҳисобидан ўз аудиториясини кенгайтирмоқда.

Асосий мулоқотлар виртуал оламга кўчаётган бугунги кунда диний ташкилотлар рақамли маконда кенг фаолият юритиши ҳаётий муҳим масалалардан бирига айланди. Подкастлар, вайнлар ва қисқа ижтимоий видеороликлар шаклида маърифий контентни тарқатиш, фуқароларнинг дин мавзусидаги саволларига ижтимоий тармоқлар орқали тезкор жавоб бериш тизимини йўлга қўйиш, диний билимларни ишончли манбалар асосида тақдим этувчи рақамли платформалар яратиш, умуман, фатво беришда ҳозиржавобликни ошириш бузғунчи ғоялар тарқалишини олдини олишда катта самара беради. Шунингдек, бугунги кунда жамиятни қийнаб келаётган экология, яшил иқтисодиёт, сунъий интеллектдан фойдаланиш каби замонавий масалаларга диний-ахлоқий нуқтаи назардан асосланган жавоб бериш, ҳаётий муаммолардан қийналган шахсларга психологик ёрдам кўрсатиш заруратлар диний ташкилот вакилларига замонавий илм-фан ютуқларидан хабардор бўлишликни талаб қилади.

Тарихдан диний ғоялардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш давлат ва жамиятга қуролли можаролар, бўлинишлар ва ижтимоий-иқтисодий таназуллар келтириб чиқариши маълум. Диний ташкилотлар учун фаолиятда сиёсатга аралашмаслик тамойили шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган таҳдидларни олдини олишга хизмат қилади. Айни вақтда диний ташкилотлар сиёсий жиҳатдан муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини эмас, балки жамиятнинг барча қатламларининг манфаатларини йўлида фаолият юритиши барча фуқаролар ва давлат манфаатларига хизмат қилади. Сиёсий бетарафлик диний ташкилотларнинг жамиятдаги маънавий нуфузини оширади ҳамда фуқаролар, айниқса ёшлар ўртасида соғлом дунёқарашни шакллантириш, дин ниқобига яширинган деструктив сиёсий ғоялар таъсиридан сақлашда муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда барча манфаатдор институтлар, шу жумладан, диний ташкилотлар учун “ҳисобот учун” эмас, балки “натижа учун ишлаш” тизимига ўтиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳақиқий натижаси давра суҳбатлари ва профилактика-дерадикализация тадбирларида қамраб олинган фуқаролар сони, ёки хайрия учун ажратилган маблағнинг миқдори билан тавсифланмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу нуқтаи-назардан, замонавий шароитда муайян ҳудудда ёшлар ўртасида диний асосда радикаллашув содир бўлгандан кейин профилактик ишларни амалга оширишдан аввал уни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, шахс билан амалга оширилаётган дерадикализация ишларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда “қонун билан қўрқитиб” суҳбат уюштиришдан мазкур шахснинг конкрет ижтимоий муаммоларни ҳал этиш юзасидан манзилли чоралар кўриш устувор аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, диний радикаллаштириш жараёнлари асосан виртуал маконга кўчган бугунги кунда деструктив мухолиф кучлардан олдинда юриш, диний мутаассиблик мазмунидаги материаллардан кўпроқ соғлом контент яратиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ишларининг натижавийлигини таъминлайди. Бу ўз навбатида қайд этилган йўналишлар, шу жумладан, Интернет тармоғида мониторинг ва таҳлил ишларини тизимли ташкил этишни тақозо этади.

Экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятчилик ҳамда диний қарашлар туфайли маиший даражада юзага келаётган муаммоларнинг камайиши, диний амалларни бажаришда

ихтилофларнинг барҳам топиши, жамиятда конфессияларо аҳиллик ва бағрикенгликнинг ошиши, радикал ғояларга нисбатан фуқароларда шаклланган танқидий фикрлаш даражасининг ортиши, хайрия маблағларининг ҳақиқий муҳтожларга етиб бориши каби мезонлар орқали диний ташкилотларнинг ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашга қаратилган фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш мумкин.

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний ташкилотларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари ҳар бир давлатда шаклланган вазиятнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Давлат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот институтлари инсон хулқ-атворини амалдаги дунёвий қонунлар, ижтимоий нормалар ва маъмурий-ташкилий чоралар билан тартибга солса, диний ташкилотлар диний таълимотларга асосланган ҳолда виждон ҳамда эътиқод даражасида таъсир кўрсатади. Дунёвий тизимларда назорат ва қонуний жазо қўрқуви умумэътироф этилган нормаларни бузишдан қайтарувчи омил бўлса, диний ташкилотлар фаолиятда "тартибда сақлаб туриш" руҳий масъулият ва Худо олдидаги жавобгарлик асосий ўрин тутади.

Жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашда диний ташкилотлар кўпроқ қонун кучидан эмас, балки маърифий билими ва "тўғри эътиқод" воситаларидан фойдаланади. Берилаётган кўрсатмаларнинг легитимлиги қонунлар каби ижтимоий шартномага эмас, балки муқаддас матнларга асосланади. Бу эса фуқароларда, айниқса диндор қатламларда гуноҳ тушунчаси билан боғлиқ ҳолда шахснинг ички назорат ва тартибларни бузмаслик тизимини фаоллаштиради.

Жумладан, диний ташкилотлар исломий шиорлар остида фаолият кўрсатаётган диний-сиёсий гуруҳ ва оқимларга қарши курашда дунёвий институлардан қатор фарқли жиҳатларга эга. Диний ташкилотлар ёт ғояларни тақиқ ва жиноят экани билан эмас, балки уларга қарши муқаддас матнлар, биринчи навбатда Қуръон ва хадислар асосида, илмий-диний асосланган раддиялар бериш орқали ахборот-мафкуравий кураши олиб боради. Ёшларга ватанпарварлик билан боғлиқ хислатларни шакллантириш муқаддас бурч сифатида сингдиради.

Диний ташкилотларнинг бузғунчи ғоялар тарқалишини олдини олишда ўзига хос имкониятларидан бири радикал гуруҳлар томонидан нотўғри талқин қилинаётган "дорул-ислом" (ислом диёри), "дорул-куфр" (куфр диёри), "такфир" (кофирликда айблаш), "ҳижрат", "жиҳод", "шаҳидлик" каби тушунчаларнинг асл моҳиятини илмий-диний асосда тушунтириб бера олиш саналади. Масалан, ҳанафий уламоларининг фатволарига мувофиқ, жума намози, ийд намозлари каби ислом ибодатлари мавжудлиги билан "дорул куфр" "дорул ислом"га айланади" (Ибни Обидин, 2013:288). Шу сабабли, ташқи истилога учрамаган барча мусулмон мамлакатлари ислом диёри саналиб, ушбу ҳудудлардан ҳижрат қилинмайди ҳамда мазкур давлатларга қарши жиҳод олиб бориш мумкин эмас саналади.

Мутаасиб гуруҳлар сиёсий мақсадлар йўлида давлат арбоблари, дунёвий ҳаёт кечирувчи мусулмонлар, умуман, ўз ғояларига эргашмаганларни динсизликда айблаб келадилар. Ваҳоланки ҳадисда: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бирор киши ўз биродарига: "Эй кофир!", – деса, бу сўз иккаласидан бирига тегишли бўлади», дедилар (яъни, агар кофирликда айбловчи ҳақ бўлса, айбланувчи кофирлигича қолади. Башарти ҳақ бўлмаса, у ҳолда ўзи кофир бўлади", деб таъкидланган (Имом Бухорий, 6103-ҳадис).

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа "кофир"га чиқариш масаласида шундай деган: "Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи у кабира гуноҳ бўлса ҳам, башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса" (Мансуров А., 2011:25).

Радикал гуруҳларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, мусулмонларга тинч жамиятда беқарорлик келтириб чиқарадиган фитналарда қатнашиш қатъий ман этилган. Қуръони каримнинг "Анфол" сураси 25-оятида: "Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб) дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (зот) дир" (Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири, 2012:179), деб таъкидланган.

Видолашув ҳажи вақтида Муҳаммад (с.а.в.) мусулмонларнинг жони, мол-мулки ва номуси дахлсиз эканини таъкидлаб айтганлар: "...Аллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва ору номусингизни бир-бирингиз учун ана шу муқаддас шаҳрингиз, табаррук ойингиз ва улуғ айёмингиз каби муқаддас қилди" (Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ, 2008:286). Мазкур васият билан пайғамбар мусулмонларни турли даъволардан, шу жумладан, динсизликда айблаш ёки адолат билан тайинланган ҳукмдорларга қарши қуролли исён кўтаришдан қайтарган.

Шунингдек, мусулмонларга бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш буюрилган. Масалан, мусулмонлар паноҳидаги бошқа дин вакили (зиммий)ни ўлдирган кишининг гуноҳи ҳақида қуйидаги ҳадис мавжуд: "Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (с.а.в): "Ким зиммийни ноҳақ ўлдирса, у жаннат ҳидини ҳидламайди! Унинг ҳиди эса қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради!"

– деб марҳамат қилдилар” (Саҳиҳи Бухорий: Алжомиъ ас-саҳиҳ, 2008:557).

Диний ташкилотларнинг ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги бошқа ўзига хос жиҳати – диний-маърифий реабилитация (дерадикализация) ишларини амалга оширишда диний таълимотлардан фойдаланиш имкониятининг мавжуд эканидир. Мукаммал диний билимларга эга мутахассислар диний тафаккур орқали дастурлаш ишлари орқали экстремистик ғоялар таъсирига тушиб “манқурт”га айланган шахсларни қайта соғлом эътиқод йўлига қайтаришда самарали натижалар кўрсатиши мумкин. Мазкур фикр БАА, Миср, Ўзбекистон каби мамлакатларда амалга оширилаётган дерадикализация ишларида ўз тасдиғини топмоқда.

Диний ташкилотларнинг диний-маърифий тадбирларни амалга ошириш доирасида аҳоли билан яқин алоқаларда фаолият юритишларининг иккита ўзига хос омиллари фуқароларнинг ўзлари масжидларда ибодат учун жамоавий тўпланишлари ҳамда фатво муассасаларига ташаббус билан мурожаат қилишлари саналади. Масжидларда ўзига хос жамоа (қавм) шаклланиб, уларнинг ўзагини доимий ибодатларда қатнашиб келаётганлар ташкил этади. Жума маърузалари ёки бошқа ибодатлар вақтида ўтказиладиган диний-маърифий суҳбатлар жараёнида намозхонларга ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, соғлом эътиқод ва ижобий ижтимоий муносабатлар шакллантириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ғояларни муқаддас матнлар асосида ва халқчил тарзда етказиш мумкин.

Шу билан бирга, дунёвий давлатда диний ташкилотларнинг ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишидаги фаолияти давлат бошқарув тизимидаги давлат ва дин муносабатларига мутасадди бўлган институтлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда диний ташкилотлар томонидан илгари сурилаётган ғоялар давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда миллий хавфсизлик манфаатларига зид келмаслиги лозим. Фаолиятни мувофиқлаштириш орқали диний ташкилотларнинг диний-маърифий фаолияти жамиятдаги барча миллат ва дин вакилларини тинчлик ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириши лозим.

Шу нуқтаи-назардан, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жамиятда тарқатилаётган диний адабиётлар, диний уламоларнинг маърузалари ҳамда Интернет тармоғидаги диний контентнинг мазмуни мониторинг қилиб борилиши, тайёрланаётган ёки мамлакат ҳудудига олиб кирилаётган диний маҳсулотлар диншунослик экспертизасидан ўтказилиши “диний-маърифий фильтр” вазифасини бажариши билан муҳим аҳамият касб этади. Диний ташкилотлар томонидан тарқатилаётган материаллар, ҳатто, эзгу мақсадларга йўналтирилган тақдирда ҳам жамиятда бўлинишларга мойил ёки давлатнинг диний соҳадаги сиёсатига ишончсизлик муҳити шаклланишига сабаб бўлиб қолиши мумкин эмас.

Диний ташкилотларнинг ижтимоий-маънавий муҳит соғломлигини таъминлашга қаратилган фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу соҳа бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга кадрларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу мутахассисларни тайёрлаш тизимининг замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб боришига боғлиқ ҳисобланади. Мазкур йўналишда диний ташкилотларнинг давлат билан яқин ҳамкорлик қилиши кадрларнинг сифатини ошишига хизмат қилади. Чунки диний мутахассислар илоҳиёт фанларини қанчалик чуқур ўзлаштирган бўлмасин, бугунги кунда дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини мукаммал англаб етмаслиги, соҳага оид миллий ва халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳақида билимга эга бўлмаслиги воқеликдан узилиб қолиш қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жумладан, ҳозирги вақтда радикализм ва экстремизм ғояларини тарғиб қилиб келаётган диний-сиёсий оқимлар ўз манфаатлари йўлида турли мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, етакчи ва минтақавий геосиёсик куч марказлари ўртасида кечаётган рақобатдан, шунингдек, жамиятдаги порахўрлик, коррупция каби ижтимоий иллатлардан кенг кенг фойдаланиб келмоқдалар. Мазкур жараёнларни чуқур билмаслик ва объектив ҳолатни, экстремистик гуруҳларнинг юқоридаги найрангларини аҳоли, айниқса, ёшларга холис тушунтириб бера олмаслик нафақат диний соҳа вакилларининг маърифий ишлари савиясини тушириб юборади, балки аҳолида уларга нисбатан ишончисизлик ортишига ҳам сабаб бўлади.

Бундан ташқари, бугунги кунда жаҳон геосиёсатида диний омил муҳим ўрин тутмоқда. Бунга турли сиёсий кучлар томонидан Яқин Шарқ ҳудудида суннийлар ва шиалар ўртасидаги мавжуд зиддиятларни қуролли можаролар даражасига олиб чиқилгани мисолида кўришимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, нафақат сиёсатшунос олим, балки АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг хавфсизликни режалаштириш бўйича координатори, Мудофаа вазирлиги консультанти каби вазифаларда ишлаган Сэмюэл Ҳантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви” (The Clash of Civilizations) асарида

бу каби жараёнларни асослаб, эндиликда сиёсий “зилзилалар” ва қуролли тўқнашувлар ҳам турли диний-маданий дунёлар туташган нуқталарда бўлишини “башорат” қилган эди. Унинг фикрига кўра, цивилизациялар тўқнашуви икки даражада кечади. Микро даражада — цивилизациялар оралиғидаги айирма чизиқлари (fault lines) бўйлаб жойлашган гуруҳлар ер ва бир-бирининг устидан ҳукмронлик қилиш учун кўпинча қонли кураш олиб борадилар. Макро даражада эса — турли цивилизацияларга мансуб давлатлар ҳарбий ва иқтисодий соҳаларда таъсир ўтказиш учун ўзаро рақобатлашадилар, халқаро ташкилотлар ва учинчи мамлакатлар устидан назорат ўрнатишга интиладилар ҳамда ўзларининг хусусий сиёсий ва диний қадриятларини қарор топтиришга ҳаракат қиладилар” (Хантингтон С., 1994:37).

Бундай шароитда ташқи сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини яхши англаб етмаган диний мутахассис давлатнинг миллий манфаатлари ва халқаро майдондаги нуфузига зарар етказиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда диний соҳа кадрлари илоҳиёт билимлари билан бир қаторда сиёсатшунослик, тарих, ҳуқуқ, психология каби йўналишлардаги дунёвий билимларга ҳам эга бўлишлиги бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига глобал таъсир кўрсатаётган жараёнлар авж олган замонавий шароитда дунё мамлакатлари жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда диний ташкилотларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқдалар. Бунда ҳар бир давлат тарихий-маданий, конфессионал ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хослигидан келиб чиқилмоқда.

Европа мамлакатларида радикаллашувга қарши курашнинг асосий йўналиши сифатида мусулмон диаспораларини маҳаллий жамиятга тўлиқ интеграция қилиш, шунингдек, исломни “маҳаллийлаштириш” каби лойиҳалар кўрилмоқда. Айни вақтда, маҳаллий ислом ташкилотлари ва диний уламоларнинг иштироки чегараланган даражада бўлмоқда. Мавжуд ислом ташкилотларининг тарқоқ фаолият юритиши, улардан салмоқли қисми “Мусулмон биродарлари” каби экстремистик ташкилот томонидан таъсис этилгани, шунингдек, ҳукумат билан ҳамкорлик қилаётган уламолар мусулмонлар ичида катта обрўга эга эмаслиги зўравонлик экстремизмига қарши курашда самара кўрилмаётганига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Францияда давлат ва дин муносабатларида уларнинг бир-биридан тўлиқ ажратилишига асосланган модел (лаицизм) қўлланилади. Шу сабабли диний ташкилотларнинг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолияти тўлиқ давлат томонидан регламентланади. Мусулмон ташкилотларнинг маълум қисмини бирлаштирувчи Франция мусулмонлари диний кенгаши (CFCM) 2021 йилда “Франция исломи принциплари хартияси”ни қабул қилди. Унда республика қадриятларига содиқлик ва радикаллашувга муросасизлик ғоялари баён этилган. Шу билан бирга, Президент Эммануэль Макрон маъмурияти CFCMни мамлакатдаги барча мусулмонлар манфаатини тўлиқ ифода эта олмаяпти деган фикр асосида 2022 йилда Франция исломи форумини (FORIF) ташкил этди. Бироқ Форум оддий мусулмон жамоатчилиги томонидан давлат ташаббуси билан тузилгани сабабли кенг қўллаб-қувватланаётгани йўқ.

Францияда диний ташкилотларнинг давлат билан ҳамкорлиги мусулмон диний мутахассислари жазони ўташ жойларида радикаллашувнинг олдини олиш ишларига жалб қилиш амалиётида намоён бўлмоқда. Ушбу мутахассислар якка ва умумий профилактика ишларини амалга оширадилар, дерадикализация марказларида ҳам фаолият юритиб, хавф-хатарларни аниқлашга ва терроризм учун ҳукм қилинганлар билан мулоқот қилишга ёрдам берадилар. Мусулмон ташкилотлари номзодларни танлаб олишга ва уларни махсус тренинглар асосида дерадикализация салоҳиятини оширишда кўмаклашадилар (Мохаммед Туальбиа:241).

Туркия ижтимоий-диний соҳани бошқариш, шу жумладан, радикаллашувга қарши курашда давлат бошқарув тизимига интеграция қилинган Диёнат ишлари бошқармаси (Diyanet) дан фойдаланилади. Барча масжидлар давлат тасарруфида бўлиб, имомлар давлат хизматчиси мақомига эга. Бошқарма томонидан мавжуд 90 мингдан зиёд масжидлари учун ягона жума маърузалари тайёрланади.

Диёнатнинг ўз телеканаллари, радиоси ва нашриётлар, ижтимоий тармоқларда канал ва саҳифалари мавжуд бўлиб, улар орқали радикаллашув ва экстремизмга қарши контентлар тарқатиб борилади. Диний уламолар тарғибот ва профилактика ишларида ханафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига асосланадилар. Ташкилотнинг аввалги раҳбари Али Эрбаш 2023 йил ноябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти диний ташкилотларининг 4-учрашувида радикализмга қарши кураш масаласига тўхталиб: “Биз исломнинг тинчлик ва марҳамат дини эканлиги ҳақидаги тушунчаларини суиистеъмол қилаётган террорчи гуруҳларга қарши янада онгли равишда курашишимиз керак” деб таъкидлаган эди (www.diyanet.gov).

Диянет ташкилотининг 2024–2028 йилларга мўлжалланган Стратегик режасидаги Ҳ1.3-мақсадида жамиятнинг диний тушунча ва қадриятларни суиистеъмол қилувчи тузилмалар, фаолиятлар ва қарашлар ҳақида хабардорлигини ошириш белгиланган. Мазкур мақсад доирасида диний тушунчаларини сиёсий ёки террорчилик мақсадлари йўлида нотўғри талқин қилишни фош этиш, радикал ғояларга қарши тақиқ билан бирга кучли диний-илмий далиллар орқали раддия бериш, ёшларни интернетдаги радикал оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун рақамли платформаларда махсус контентлар яратиш, ижтимоий огоҳликни ошириш каби вазифалар белгиланган (stratejigelistirme.diyanet.gov).

Малайзияда ислом расмий дин мақомига эга бўлиб, Малайзия Ислом тараққиёти департаменти диний соҳани мувофиқлаштиради. Ҳар бир штат султони ўз ҳудудида диний раҳбар ҳисобланади. Давлат радикаллашув ва экстремизмга қарши курашда олдини олувчи (превентив) қонунлар, ихтисослаштирилган реабилитация дастурлари, ижтимоий тармоқлар мониторинги ҳамда диний арбоблар билан ҳамкорликда мўътадил исломни тарғиб қилиш усулларидан фойдаланади.

Диний ташкилотлар диний вазиятни барқарорлигини сақлашда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан “Васатия” (мўътадиллик) концепциясини тарғиб қилади. Малайзия Ислом тараққиёти департаменти Фатволар бўйича миллий қўмита орқали исломнинг радикал талқинлари тарқалишига тўсқинлик қилувчи кўрсатмалар ишлаб чиқади. Шунингдек, JAKIM масжидлар ва таълим муассасаларидан экстремистик тарғибот мақсадларида фойдаланишнинг олдини олиш учун диний нашрлар ҳамда маърузаларни мониторинг қилиш ва тартибга солишни амалга оширади.

Ижтимоий-диний вазиятни соғломлаштириш мақсадида ҳукумат томонидан экстремистик мафкуранинг ислом таълимотига ва Малайзия жамиятининг қадриятларига бегона эканлиги ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш кампаниялари амалга оширилади. Ушбу вазифани бажаришда рақамли технологиялар, оммавий ахборот воситалари ва таълим дастурларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, жамоавий тадбирларни ташкил этиш, аҳолини зарур диний маълумотлар ва тарғибот материаллари билан таъминлашда мусулмон ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган (Рогожина Н., 2020:33).

Малайзия жазо ўтаган ва ўтаётган террорчиларни дерадикализация қилиш соҳасида нафақат психологик ва диний таъсир кўрсатиш, балки моддий рағбатлантириш амалиётидан ҳам фойдаланган ҳолда салмоқли натижаларга эришмоқда. Бундай дастурларнинг самарадорлик кўрсаткичи 97 фоизга баҳоланмоқда. Бу натижага ички ишлар вазирлиги, таълим вазирлиги, жазони ижро этиш муассасалари раҳбарияти ҳамда диний соҳа вакилларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатлари туфайли эришилди. Яъни, хавфсизлик органлари жазолаш билан, таълим вазирлиги ва диний уламолар эса “онгни тозалаш” билан шуғулланади. Бу яхлит тизим сифатида ишламоқда (Hart M., 2018:87).

Бирлашган Араб Амирликларида диний ташкилотлар давлатнинг ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда “юмшоқ куч” (soft power) сиёсатида муҳим ўрин тутадилар. Жумладан, Дин ишлари ва вақф бош бошқармаси (Awqaf) ваъзлар мазмунини, масжидлар фаолиятини ва диний таълимни тўлиқ назорат қилади. Шунингдек, давлатда алоҳида “Бағрикенглик ва тинч-тотув яшаш вазирлиги” фаолият кўрсатади.

Мамлакатда радикаллашув муаммосига фақат ҳуқуқ-тартибот органлари орқали эмас, балки интеллектуал ва ижтимоий ёндашув орқали ечим топиш стратегияси амалга оширилади. Жумладан, ушбу давлатда Глобал аксилтеррор форуми доирасида қабул қилинган “Зўравонлик экстремизмига қарши курашиш ва таълим соҳасидаги илғор амалиётлар бўйича Абу-Даби меморандуми” асосида ишлатиб келинмоқда. Унда таълим тизими орқали экстремизмнинг олдини олиш бўйича давлатларга бериладиган тавсиялар жамланган. Жумладан, меморандум диний таълим муассасаларини умумий таълим тизимига интеграция қилиш ёки улар устидан мониторинг ўрнатиш ҳамда диний билимларни мўътадил ва бағрикенглик руҳида берилишини таъминлашни кўзда тутади (www.thegctf.org).

Бугунги кунда дин фақат инсонларнинг илоҳиёт билан боғловчи соҳагина бўлиб қолмай, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, жумладан ижтимоий-маънавий муҳитга катта таъсир кўрсатадиган манба сифатида кўрилмоқда. Ижтимоий барқарорликка диний қадриятларни тўғри етказилиши ҳал этувчи омиллар қаторида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Дунёвий давлатда дин қонуннинг ўрнини эгаллаши эмас, балки уни маънавий жиҳатдан бойитиши лозим. У ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга риоя қилиш учун маънавий мотивация (руҳий рағбат) яратади. Диний ташкилотлар жамиятда кечаётган модернизация жараёнларига инсонпарварлик тамойилларини олиб кирган ҳолда уларнинг фаол иштирокчисига айланса, ижтимоий маънавий муҳит ва диний вазиятнинг соғломлашиши кузатилади.

Радикализмга қарши курашда диний ташкилотлар “диний-интеллектуал фильтр” ва “ижтимоий жипслаштирувчи” (social glue)

вазифасини бажаради. Улар нафақат экстремистик гуруҳларнинг диний-ғоявий даъволарининг сохта эканини кўрсатиб беради, балки аксарият ҳолатларда радикаллашувга сабаб бўладиган маънавий бўшлиқни тўлдирувчи ижобий ва бунёдкор куч сифатида намоён бўлади.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, диний вазиятни соғломлаштириш бўйича энг муваффақиятли стратегиялар динни жамоавий макондан сиқиб чиқаришга эмас, балки давлат ва диний ташкилотларнинг диннинг инсонпарварлик ва бағрикенглик салоҳиятидан фойдаланишга асосланади.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкин-ки, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги дин ва диний ташкилотлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, у кўп ҳолларда мазкур муҳитнинг йўналишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Диний ташкилотларни жамият онги ва қадриятлар тизимига таъсир кўрсатувчи муҳим ижтимоий институт дейиш мумкин. Бу ёндашув дин социологияси доирасида асосланган бўлиб, унга кўра дин жамиятни бирлаштирувчи ва тартибга солувчи институт сифатида талқин қилинган. Шу билан бирга, илмий адабиётларда таъкидланганидек, сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар ҳам ушбу жараёнга таъсир кўрсатиб, уни кўп омилли хусусиятга эга ҳодисага айлантиради.

Тарихий далилларга таяниб хулоса қилсак, диннинг ижтимоий ҳаётдаги роли турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар ўртасида Андалус даврида шаклланган нисбатан бағрикенг муҳит маданий ва илмий ҳамкорлик ривожига туртки бериб, ўз даврида фан ва маданият соҳаларида сезиларли ютуқларнинг қўлга киритилишига сабаб бўлган.

Тарихий манбалар дин зиддият манбаига айланган ҳолатларни ҳам кўрсатади. Хусусан, 1096–1099 йиллардаги Биринчи салб юриши давомида Европада яҳудий жамоаларига қарши оммавий қирғинлар содир этилган. Бу ҳолат дин сиёсий ва ҳарбий мақсадлардаги воситага айланганда ўта салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан дарак беради.

Дин ва диний ташкилотлар бугун ҳам ўз ижтимоий таъсирини сақлаб қолмоқда. Шундай органлардан бири бўлган Туркия Диёнат ишлари бошқармаси диний соҳада марказлашган бошқарув тизимини жорий этган. Расмий маълумотларга кўра, мазкур институт 90 мингдан ортиқ масжид фаолиятини мувофиқлаштиради. Бу орган назорат қилаётган тизим зўравонликни рад этади, диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлайди, эзгу диний қарашларни тарғиб этишга хизмат қилади.

Франция ислом форуми ҳам ўз фаолияти натижасида давлат ва мусулмон жамоалари ўртасида институционал мулоқот механизмларининг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ушбу механизмлар диний жамоаларнинг жамиятга уйғунлашувини таъминлаш жараёнларини қўллаб-қувватлайди.

Бу каби ташаббусларнинг самарадорлиги ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий шароитига боғлиқ бўлиб, турли жойларда турлича натижа бериши мумкин. Таҳлилларимиз мобайнида таъкидлаганимиздек, диннинг нотўғри талқин қилиниши жуда жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаришини ҳам назарда тутиш лозим.

2014–2019 йиллар мобайнида ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) томонидан диндан сиёсий ва зўравонлик мақсадларида фойдаланиш Ироқ ва Сурия ҳудудларида оммавий қирғинларга, аҳолининг мажбурий кўчишига, давлат институтларининг издан чиқишига сабаб бўлган. Бу ҳолат – диннинг нотўғри талқин қилиниши – радикаллашув жараёнларининг кучайишига, кенг кўламли ижтимоий-сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкинлигига аниқ мисолдир. Шу нуқтаи назардан хулоса қилганда, дин ва диний ташкилотларнинг ижтимоий таъсири уни қандай талқин этишга боғлиқ.

Дин инсонпарварлик, бағрикенглик ва маърифий ёндашув асосида талқин этилганда, у ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омилга айланади. Аксинча, дин бузиб шарҳланганда ижтимоий бўлиниш юзага келиб, беқарорлик хавфи ошади. Диннинг ёки диний ғояларнинг сиёсийлашуви, яъни турли институтлар томонидан сиёсий мақсадлар йўлида қўлланилиши ҳам ижтимоий барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатни юзага келтириши мумкин.

Радикал ва экстремистик ғоялардан келиб чиқувчи талқинларнинг олдини олишда диний ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Чунки улар диний билимларнинг ишончли манбаи сифатида жамиятда маърифий фаолиятни амалга ошириш имкониятига эга. Бу, айниқса, диннинг нотўғри талқинларига қарши профилактик таъсир кўрсатишда ўта аҳамиятли.

Шу нуқтаи-назардан, бугунги кунда диний ташкилотларнинг фаолияти фақат анъанавий муҳит билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар ёшлар аудиторияси билан мақсадли иш олиб бориши, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ахборот тарқатиш муҳитида фаол иштирок этиши зарур.

Бу эса радикал ғояларнинг тарқалишини чеклаш ва жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга олиб келади.

Давлат, жамият, дин ўртасидаги мувозанат ва ҳамкорлик ижтимоий барқарорликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Кенг қабул қилинган социологик ёндашувларга кўра, ушбу институтлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ижтимоий тизимнинг барқарор ишлашига хизмат қилади.

Дин қонун ўрнини босмайди, балки ахлоқий қадриятлар, эътиқод ва ички ишонч орқали инсон хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи тизим, инсонларни қонунга ихтиёрий риоя қилишга ундовчи маънавий механизм сифатида ўз мавжудлигини давом эттиради. Диннинг ижтимоий тартибни таъминлашда ҳуқуқий меъёрларни тўлдирувчи омил сифатидаги айнан шу жиҳатини ҳамиша инобатга олиш лозим.

Таҳлиллар диний ташкилотлар радикализмга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилишдаги, жамиятнинг зарарли ғояларга қарши ички барқарорлиги ва қарши тура олиш қобилиятини шакллантиришдаги муҳим институт эканлигини яққол исботлаган.

Глобаллашув ва ахборот макони бутун Ер шарини қамраган бугунги кунда айнан шу хусусият янада долзарб аҳамият касб этади. Туркия, Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси асосидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, диний ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган марказлашган диний-маърифий фаолият, дерадикализация дастурлари ҳамда рақамли макондаги тарғибот ишлари радикал ғояларнинг тарқалишини чеклашда самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Бу эса диний ташкилотларнинг фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида жамиятда радикал ғояларга қарши курашда маърифий ёндашув устувор аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилини илгари суриб келмоқда. Бу ёндашув диний ташкилотларнинг нафақат ибодат маскани сифатидаги, балки маърифий ва тарбиявий марказ сифатидаги ролининг муҳимлигини теран англаш натижасида юзага келган.

Президент қарашлари жамиятни бирлаштириш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда диний ташкилотларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлайди.

Ушбу таҳлилдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, диний ташкилотлар жамиятнинг барқарор ва прогрессив, яъни замон талаблари асосида изчил ва ижобий тараққиётига хизмат қилувчи муҳим ижтимоий институт сифатида фаолият юритиши зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (2008) Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3601-ҳадис. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Б. 644.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (2008) Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 1742-ҳадис. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Б. 286.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. (2008) Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2 китоб. 1-китоб. 3166-ҳадис. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. – Б. 557.
4. Абу-Дабийский меморандум о надлежащей практике в области образования и противодействия насильственному экстремизму. – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.
5. Бородай С. (2013) Исламские организации в странах Европы // Ислам в современном мире. № 3–4. – С. 39–58.
6. Bruno Karsenti. (2026) Lecture des Formes élémentaires de la vie religieuse d’Émile Durkheim. – Мурожаат санаси: 24.07.2026 й.
7. Вебер М. (1905) Протестантская этика и дух капитализма. – Мурожаат санаси: 12.04.2026 й.
8. Diyanet İşleri Başkanlığı. (2024) Diyanet İşleri Başkanlığı 2024–2028 Stratejik Planı. – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.
9. Ибни Обидин. (2011) Раддул-Мухтор. 6-жуз. – Байрут: Дорул кутуб илмия. – Б. 288.
10. Имом Аъзам. (2011) Фиққи акбар // Ақоид матнлари. А. Мансуров таржимаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети. – Б. 25.
11. Логова А. В., Житенев Т. Е. (2024) «Основы социальной концепции русской православной церкви» как итоговый документ юбилейного архиерейского собора 2000 года // Поволжский вестник науки. № 3 (33). – С. 28.
12. Матто Инжили. (2026) 5–7 боблар, 12:31. – Мурожаат санаси: 08.04.2026 й.
13. Мохаммед Туальбиа. (2026) Религиозное образование для мусульманских капелланов во Франции: Институт Аль-Газали как пример для изучения. – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.; Мохаммед Чирани. (2026) Управление положением исламистских террористов и радикализованных заключенных: стратегия Франции на период с 2013 по 2023 год. – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.
14. «Мы советуем прислушаться к крикам своих граждан, вышедших на площади в поддержку угнетённых палестинцев». (2026) – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.

15. Папа призвал религиозных лидеров содействовать миру. (2023) – Мурожаат санаси: 08.04.2026 й.; Папа Франциск: Религия не должна оправдывать зло войны. (2022) – Мурожаат санаси: 08.04.2026 й.
16. Рогожина Н. (2020) Борьба с исламским терроризмом в Юго-восточной Азии // Мировая экономика и международные отношения. Т. 64, № 8. – С. 33.
17. Фармонова М. (2019) Қадриятлар–маънавий камолот асоси. Илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: «Tasvir nashriyot uyi». – Б. 5.
18. Шайх Муҳаммадсаид Рамазон Бутий. (1993) Исломда жиҳод: уни қандай тушунамиз ва қандай амалга оширамиз? – Димашқ: Дорул-фикр. – Б. 154–155.
19. Хантингтон С. (1994) Столкновение цивилизаций? // Полис. № 1. – С. 37.
20. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. (2014) Ў. Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К. Камилов, А. Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети. – 552 б.
21. Ҳасанбаев Ў. (2020) Диний-маърифий ва ижтимоий-маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт-матбаа ижодий уйи. – Б. 144–145.
22. Hart M. (2018) Malaysia's Counterterrorism Strategy: Keeping ISIS in Check // Geopolitical Monitor. – Мурожаат санаси: 11.04.2026 й.

REFERENCES

1. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (2008) Sahih al-Bukhari: Al-Jami‘ al-Sahih (Reliable Collection). 2 books. Book 1. Hadith 3601. – Tashkent: “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House. – P. 644.
2. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (2008) Sahih al-Bukhari: Al-Jami‘ al-Sahih (Reliable Collection). 2 books. Book 1. Hadith 1742. – Tashkent: “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House. – P. 286.
3. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (2008) Sahih al-Bukhari: Al-Jami‘ al-Sahih (Reliable Collection). 2 books. Book 1. Hadith 3166. – Tashkent: “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House. – P. 557.
4. Abu Dhabi Memorandum on Good Practices in Education and Countering Violent Extremism. – Accessed: 11.04.2026.
5. Boroday S. (2013) Islamic Organizations in European Countries // Islam in the Modern World. No. 3–4. – P. 39–58.
6. Bruno Karsenti. (2026) Lecture des Formes élémentaires de la vie religieuse d’Émile Durkheim. – Accessed: 24.07.2026.
7. Weber M. (1905) The Protestant Ethic and the Spirit of Capitalism. – Accessed: 12.04.2026.
8. Diyanet İşleri Başkanlığı. (2024) Diyanet İşleri Başkanlığı 2024–2028 Strategic Plan. – Accessed: 11.04.2026.
9. Ibn Abidin. (2011) Radd al-Muhtar. Vol. 6. – Beirut: Dar al-Kutub al-‘Ilmiyyah. – P. 288.
10. Imam A‘zam. (2011) Al-Fiqh al-Akbar // Texts on Aqidah. Translated by A. Mansurov. – Tashkent: Tashkent Islamic University. – P. 25.
11. Logova A. V., Zhitenyev T. E. (2024) “Fundamentals of the Social Concept of the Russian Orthodox Church” as the Final Document of the Jubilee Bishops’ Council of 2000 // Povolzhsky Bulletin of Science. No. 3 (33). – P. 28.
12. Gospel of Matthew. (2026) Chapters 5–7, 12:31. – Accessed: 08.04.2026.
13. Mohammed Toualbia. (2026) Religious Education for Muslim Chaplains in France: The Al-Ghazali Institute as a Case Study. – Accessed: 11.04.2026; Mohammed Chirani. (2026) Managing Islamist Terrorist and Radicalised Prisoners: France’s Strategy Between 2013 and 2023. – Accessed: 11.04.2026.
14. “We Advise Listening to the Cries of Your Citizens Who Took to the Streets in Support of the Oppressed Palestinians.” (2026) – Accessed: 11.04.2026.
15. The Pope Called on Religious Leaders to Promote Peace. (2023) – Accessed: 08.04.2026; Pope Francis: Religion Must Not Justify the Evil of War. (2022) – Accessed: 08.04.2026.
16. Rogozhina N. (2020) The Fight against Islamic Terrorism in Southeast Asia // World Economy and International Relations. Vol. 64, No. 8. – P. 33.
17. Farmonova M. (2019) Values as the Basis of Spiritual Maturity. Scientific and Methodological Manual. – Tashkent: “Tasvir Nashriyot Uyi”. – P. 5.
18. Shaykh Muhammad Said Ramadan al-Buti. (1993) Jihad in Islam: How Should We Understand It and How Should We Practice It? – Damascus: Dar al-Fikr. – P. 154–155.
19. Huntington S. (1994) The Clash of Civilizations? // Polis. No. 1. – P. 37.
20. State and Religion Relations in Uzbekistan: Religious Organizations, Movements, and Current Directions of Ideological Struggle. (2014) U. Hasanboyev; editors K. Kamilov, A. Mansurov. – Tashkent: Tashkent Islamic University. – 552 p.
21. Hasanbayev U. (2020) Explanatory Dictionary of Terms and Concepts for Promoters in the Religious-Educational and Social-Spiritual Sphere. – Tashkent: “Shamsuddinxon Boboxonov” Publishing and Printing Creative House. – P. 144–145.
22. Hart M. (2018) Malaysia’s Counterterrorism Strategy: Keeping ISIS in Check // Geopolitical Monitor. – Accessed: 11.04.2026.